
ҲОКИМЛАР ПОЙТАХТДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ФАРҒОНАЛИК ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

Хабарингиз бор, Президентимиз 2019 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда ёшлар билан учрашув ўтказган эди.

Ушбу унутилмас учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги механизмларини ҳаётга татбиқ этиш, 2020 йилда ёшлар билан ишлашда Фарғона тажрибасини яратиш, навқирон авлод бугунги ислохотларда асосий куч сифатида намоён бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Кеча Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фарғоналик талабаларнинг вилоят ҳокими ўринбосарлари ва шаҳар-туманлар ҳокимлари билан учрашувида бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўғил-қизларнинг талаб ва таклифлари ўрганилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 36 олий таълим муассасаларида етти мингдан ортиқ фарғоналик ёшлар таҳсил олмоқда. Уларнинг ўқишни тамомлаб, ўз соҳалари бўйича муносиб иш ўринларини топишлари учун бугунги кунда вилоятимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада талабаларимиз қандай фикрда? Учрашувда улар кўнглидаги гапларни рўйи-рост баён қилдилар. Талаб ва таклиф, муаммо ва истакларини раҳбарларга юзма-юз айтдилар.

Самимий ва дўстона руҳда кечган учрашувда Фарғона вилояти ҳокимининг барча ўринбосарлари, 19 та шаҳар-туман ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига вилоятимиздан сайланган депутатлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг барча туман ва шаҳар Кенгашлари раислари иштирок этдилар.

Очиқ мулоқотда аксарият ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Кўтарилган муаммоли масалаларга ечим топилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-01-31 19:10:27